

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.І.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУЛЛАЕВ ЗАФАРЖОН АЛИЖОНОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
economical sciences**

<b>Абдуллаев Зафаржон Алижонович</b> Тижорат банкларини солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш.....	3
<b>Абдуллаев Зафаржон Алижонович</b> Совершенствование механизмов налогообложения коммерческих банков.....	23
<b>Abdullaev Zafarzhon Alijonovich</b> Improving the taxation mechanisms of commercial banks.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.І.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУЛЛАЕВ ЗАФАРЖОН АЛИЖОНОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.2.PhD/Iqt105 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк–молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тошматов Шухрат Амонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ташмурадова Бувсара Эгамовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Комолов Одилжон Сайфинович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.03 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш.Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**У.В.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Х.Жумаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари молиявий секторни солиққа тортиш доирасида кўплаб муаммолар мавжудлигини кўрсатиб берди. Жумладан, банклар томонидан ҳаддан зиёд кўп қарз маблағлари жалб қилинишининг солиқ механизми орқали рағбатлантирилиши молиявий инқирознинг келиб чиқишига таъсир этиши аниқланган. Шундан келиб чиқиб, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ортиқча қарзли молиялаштиришни чеклаш ва фоизлар бўйича солиқ чегирмаларининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида фоиз бўйича имтиёзларни чеклаш қоидалари ёки «капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар» қўлланиб келинмоқда. Хусусан, «ялпи даромаднинг қарз фоизлари бўйича солиқ чегирмаларининг энг юқори миқдорига АҚШ, Буюк Британия, Германия, Бельгияда 30 фоизгача, Францияда эса 25 фоизгача чеклов ўрнатилган»<sup>1</sup>.

Сўнгги йилларда ривожланган мамлакатларда тижорат банкларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришда уларнинг макроиқтисодий таъсирини баҳолаш, банкларнинг дефолт rischi ва дефолт своп шартномалари қийматидан келиб чиқиб, солиқ солиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиётда банк сектори кўламининг кенгайиб бораётган ҳозирги даврда тижорат банкларининг фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш, кенг кўламдаги молиявий хизматлар кўрсатишни рағбатлантириш, молиявий хизматларга қўшилган қиймат солиғини қўллаш, банк йиғимлари, молиявий трансакциялар ва молиявий фаолиятга солиқларни татбиқ этишга оид муаммоларнинг ечимига бағишланган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳалол ва инсофли солиқ тўловчиларни рағбатлантириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини расмий фаолият кўрсатишга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш учун таъсир чораларини ишлаб чиқишга қаратилган. Ушбу ислохотларнинг тўлақонли амалга оширилишида тижорат банкларининг аҳамияти юқори, чунки тижорат банклари, бир томондан ўзлари солиқ тўловчи сифатида иқтисодий жараёнларда иштирок этса, иккинчи томондан солиқларнинг ўз вақтида тўланиши ҳамда тадбиркорлик субъектларининг банкдан ташқари айланмаларини қисқартиришдаги масъулиятлари юқори даражада бўлади. «Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши шарт»<sup>2</sup>. Тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда

<sup>1</sup>ЕС (2011). Proposal for a council directive on a common system of financial transaction tax and amending directive 2008/7/EC. Report. Brussels: European Commission.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy-28-12-2018>.

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни рағбатлантиришда солиққа тортишдаги мавжуд муаммолар, банклар фаолиятини тартибга солиш, солиқлар воситасида рағбатлантириш ва солиққа тортишни такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сонли, 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли фармонлари, 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли, 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли, 2018 йил 31 майдаги «Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3756-сонли, 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сонли қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Банклар фаолиятини солиққа тортишни оптималлаштириш ва банклар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар Albertazzi, Gambacorta, Chiorazzo, Milani, Demirgüç-Kunt ва Huizinga, Boadway, Keen, Atkeson, Chamley, Huizinga, Чхутиашвили, Konvisarova, Cardoso, Schepens, Beatty, Liao, Chaudhry, Mullineux, Reinhart, Rogoff, DeNicolo, Gamba, Lucchetta, Keen, Coulter, Mayer, Vickers, King, Fullerton ва бошқалар илмий ишларида ёритилган<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup>Albertazzi U., Gambacorta L. (2010). Bank profitability and taxation. *Journal of Banking and Finance* 34, 2801–2810.; Chiorazzo V., Milani C. 2011. The impact of taxation on bank profits: Evidence from EU banks. *Journal of Banking & Finance* 35 (2011) 3202–3212.; Demirgüç-Kunt A., Huizinga H. (1999). Determinants of commercial bank interest margins and profitability: some international evidence. *World Bank Economic Review* 13, 379–408.; Demirgüç-Kunt A., Huizinga H. (2001). The taxation of domestic and foreign banking. *Journal of Public Economics* 79, 429–453.; Boadway R., Keen M. (2003). Theoretical perspectives on the taxation of capital income and financial services. In: Honohan, P. (Ed.), *Taxation of Financial Intermediation: Theory and Practice for Emerging Economies*. World Bank and Oxford University Press, New York.; Atkeson A., Chari V.V., Kehoe P.J. (1999). Taxing capital income: a bad idea. *Federal Reserve Bank of Minneapolis Quarterly Review* 23, 3–17.; Chamley C. (1986). Optimal taxation of capital income in general equilibrium with infinite lives. *Econometrica* 54,

Солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари ўзбекистонлик олимлар А.Жўраев, О.Олимжонов, Б.Ташмурадова, Ш.Тошматов, Н.Хайдаров, Ж.Урмонов, И.Ниязметов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган<sup>4</sup>. Хусусан, тижорат банкларини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари иқтисодчи олимлар Ш.Тошмуродов, Ш.Тошматов, Р.Қурбонов, О.Камолов, Г.Бабаева, А.Омонов ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ қилинган<sup>5</sup>.

Санаб ўтилган аксарият, иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган, бироқ, банклар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш ва молиявий солиқларни қўллаш масалаларига эътибор қаратилмаган. Шунингдек, тижорат банкларининг даромадлилигига солиқларнинг таъсири ва фойда солиғи ставкаси билан йўқотишлар бўйича мажбурий резервлар ўртасидаги боғлиқлик масалалари очиқ берилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Жаҳон

---

607–622.; Huizinga H. (2004). The taxation of banking in an integrating Europe. *International Tax and Public Finance* 11, 551–586.; Konvisarova E., Samsonova I., Vorozhbit O. (2015). The nature and problems of tax administration in the Russian Federation // *Mediterranean Journal of Social Sciences*. 2015. Т. 6. №5. S. 3. С. 78–83.; Чхугиашвили Л. В. Налогообложение коммерческих банков в условиях глобализации. *Международный бухгалтерский учет*. 7 (139) – 2010 С.33–47.; Cardoso E. (2003). Seigniorage, reserve requirements and bank spreads in Brazil. In: Honohan P. (Ed.). *Taxation of Financial Intermediation: Theory and Practice for Emerging Economies*. World Bank and Oxford University Press, New York.; Schepens, G. 2016. Taxes and Bank Capital Structure. *Journal of Financial Economics* 120 (3):585–600.; Beatty A. and S. Liao. (2011). Do Delays in Expected Loss Recognition Affect Banks' Willingness to Lend? *Journal of Accounting and Economics* 52 (1):1–20.; Chaudhry S. M., Mullineux A., Agarwal N. (2015). Balancing the regulation and taxation of banking. *International Review of Financial Analysis* 42 (2015) 38–52.; Mullineux A. W. (2014). Banking for the public good. *International Review of Financial Analysis*, 36, 87–94.; Reinhart Carmen M. & Rogoff Kenneth S. (2013). "Banking crises: An equal opportunity menace," *Journal of Banking & Finance*, Elsevier, vol. 37(11), pages 4557–4573.; DeNicolò G., Gamba A. & Lucchetta M. (2012). Capital regulation, liquidity requirements and taxation in a dynamic model of banking. *IMF Working Papers* 12/72. Washington: International Monetary Fund.; Keen M. (2011). Rethinking the taxation of the financial sector. *CESifo Economic Studies*, 57(1), 1–24.; Coulter B., Mayer C., & Vickers J. (2013). Taxation and regulation of banks to manage systemic risk. *Finance Working Paper* 341/2013. Oxford: European Corporate Governance Institute (ECGI); King Mervyn A. and Don Fullerton. (1983). *The Taxation of Income from Capital: A Comparative Study of the U.S., U.K., Sweden, and West Germany—The Theoretical Framework—*. NBER Working Papers. National Bureau of Economic Research, Inc.

<sup>4</sup>Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари.—Т. 2004.; Олимжонов О. Адолатли солиқ-мамлакат таянчи\Солиқ тўловчининг журнали, 2006. №6.; Ташмурадова Б. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. дисс. Автореф. —Т. 2007.; Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. —Т. 2008.; Хайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари.—Т.: «Akademiya». 2007, 79 б.; Урмонов Ж.Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари. Монография/ Т.: "Iqtisod-Moliya", 2018. 240 б.; Ниязметов И. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. и. ф. д. (DSc) диссертация автореф. Тошкент— 2018. 69 б.

<sup>5</sup>Тошмуродов Ш. Формирование доходов коммерческих банков.—Санкт—Петербург: СПб.УЭФ, 1992.—190 с.; Тошматов Ш. Тижорат банкларини солиққа тортишни такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит. — Тошкент, 2005. №10–11.; Қурбонов Р. Тижорат банклари даромади (фойдаси)ни солиққа тортиш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. — Т.: 1998. — 20 б.; Камолов О. Тижорат банкларини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.— Т.: 2009. —20 б.; Бабаева Г. Особенности налогообложения коммерческих банков Узбекистана. Молия илмий журнали. 6\2017. 45–55с.; Омонов А.А. Банкларнинг бюджетга тўловлари бухгалтерия ҳисобининг айрим жиҳатлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2017 йил.

иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солишда солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш ва солиққа тортишнинг назарий асосларини ўрганиш;

амалдаги солиқлар ва уларни ундириш механизмини тижорат банклари даромадларига таъсирини баҳолаш;

тижорат банкларида кредитлар бўйича йўқотишларга мажбурий резервларнинг солиқ тўлангунгача бўлган фойдага таъсирини таҳлил қилиш;

тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишнинг амалдаги ҳолатини ўрганиш;

тижорат банклари фаолиятида тартибга солувчи солиқларнинг (молиявий солиқлар) қўлланиш ҳолатларини тадқиқ қилиш;

тижорат банкларининг фаолиятини солиққа тортишда ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболларини ўрганиш;

тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларини солиққа тортиш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб тижорат банкларини солиққа тортишда давлат бюджети билан солиқ тўловчилар ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацион тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, илмий абстракция, қиёсий таҳлил қилиш, гуруҳлаш ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари томонидан тўланадиган фойда солиғи банк контрагентлари зиммасига ўтказилишининг банк молиявий хизматлари қийматининг ошишига ҳамда мазкур хизматлардан фойдаланувчиларнинг солиқ тўлагунгача бўлган фойдасини камайтиришга олиб келиши аниқланиб, банк ва корхоналарнинг фойда солиғи ставкаларини пасайтириш таклифи илмий асосланган;

тижорат банкларининг фойда солиғи ва четдан сотиб олинган товар-моддий ресурслар бўйича тўланган қўшилган қиймат солиқларининг икки ёқлама солиққа тортиш ва солиқ юки номутаносиблиги кўринишидаги

салбий таъсирини камайтириш мақсадида микрофирма ва кичик корхоналарга умумбелгиланган тартибда фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиқларини қўллаш таклифи илмий асосланган;

тижорат банкларининг молиявий хизматлари қийматини камайтириш, кирим қилинган қўшилган қиймат солиғини тўлиқ ҳисобга олиш тизимини жорий этиш асосида қўшилган қиймат солиғи ставкасини пасайтириш, асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича кирим қилинган қўшилган қиймат солиғини тўлиқ ҳисобга олиш тартиби ишлаб чиқилган;

тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигига солиқ сиёсати орқали таъсир кўрсатишни кучайтириш мақсадида, инвестициялар ҳажмини оширишни рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларининг қўлланиши ҳамда самарасиз ва индивидуал тартибда белгиланган солиқ имтиёзларини бекор қилиш таклифи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари ва корхоналарнинг фойда солиғи ставкасини пасайтириш натижасида, солиқ солишдаги номутаносибликларни камайтиришга олиб келиши асосланган;

тижорат банклари тўлайдиган фойда солиғи туфайли юзага келадиган икки ёқалама солиққа тортиш ва солиқ юқини камайтириш учун микрофирма ва кичик корхоналарга умумий ёндашув асосида пасайтирилган фойда солиғи ва ҚҚСларни қўллаш амалиётининг жорий этилиши тавсия этилган;

тижорат банкларининг молиявий хизматлари қийматини пасайтириш мақсадида, асосий воситалар ва номоддий активлар ҳамда бошқа операциялар бўйича тўланган ҚҚС тўлиқ ҳисобга олиш тартибини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган;

тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш мақсадида, инвестициялар ҳажмини оширишни рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларининг қўлланилиши ва самарасиз индивидуал тартибда берилган солиқ имтиёзларини бекор қилиш таклиф этилган;

тижорат банкларининг йўқотишлар бўйича мажбурий резервлардан фойдани камайтириш сифатида фойдаланилишини чеклаш учун мажбурий резервларнинг умумий миқдорини ҳисобот давридан аввалги 6 йил давомидаги активлар бўйича йўқотишларнинг ўртача суммасидан ёки соф фойданинг 25 фоизи миқдорида ўрнатилиши тавсия қилинган;

тижорат банкларининг молиявий хизматлар қийматини пасайтириш ва бюджетга солиқ тушумларини ошириш мақсадида тижорат банкларнинг пуллик хизматларига стандарт ва бошқа молиявий маҳсулотларига пасайтирилган ставкадаги ҚҚСни татбиқ этилиши тавсия этилган;

ортиқча қарзли молиялаштиришни чеклаш ва фоизлар бўйича солиқ чегирмалари салбий оқибатларини камайтириш мақсадида солиқ имтиёзларини чеклаш қоидалари ёки «капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар»ни ўрнатилиш зарурияти асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларни расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ

қўмитаси, Давлат статистика қўмитасидан олинганлиги, солиқ қонунчилигини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, мамлакат ва хорижий олимларнинг эксперт баҳолари ва ишланмаларидан фойдаланилганлиги ҳамда хулоса ва таклифларнинг Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни оптималлаштириш ва солиқлар воситасида тартибга солиш борасида юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш жараёнида ҳамда мазкур йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан давлат солиқ хизмати органлари томонидан банклар фаолиятини оптимал солиққа тортиш ва тартибга солиш билан солиққа тортишни баланслаштиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

банк ва корхоналарнинг фойда солиғи ставкаларини пасайтириш ҳамда микрофирмалар ва кичик корхоналарга умумий ёндашув асосида пасайтирилган фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиқларини қўллаш амалиётини жорий қилиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли Фармонининг 2-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 8 февралдаги КА/20-03-32-114/395-сон маълумотномаси). Натижада, келгусида солиқ солиш ва солиқ юкидаги номутаносибликларнинг бартараф этилиши, солиқ тушумларини ошириш имконияти яратилган;

қўшилган қиймат солиғи ставкасини пасайтириш, асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича кирим қилинган қўшилган қиймат солиғини тўлиқ ҳисобга олиш тартибини жорий этиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли Фармонининг г) кичик бандида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 8 февралдаги КА/20-03-32-114/395-сон маълумотномаси) Натижада, тижорат банклари, шу билан бир қаторда, бошқа солиқ тўловчи юридик шахслар учун товар ва хизматлар нархи ҳамда харажатлари пасайишига, солиқ тушумлари ошишига таъсир этган;

инвестициялар ҳажмини оширишни рағбатлантирувчи солиқ имтиёзлари қўлланилиши ва самарасиз индивидуал тартибда берилган солиқ имтиёзлари бекор қилиниши юзасидан таклифидан Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2018 йил 31 майдаги «Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3756-сонли Қарорининг 2, 3-бандларида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 8 февралдаги КА/20-03-32-114/395-сон маълумотномаси). Натижада, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратишда солиқ имтиёзларининг самарадорлиги таъминланишига ва солиқ потенциали ошишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси доирасида 24 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 7 та, халқаро журналда 1 та илмий мақола чоп қилинган. Шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 16 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Банклар фаолиятини солиққа тортиш ва солиқлар воситасида тартибга солишнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида капиталдан олинган даромадларга оптимал солиқ солиш назариясига кўра, корпоратив даромад солиғи ва кирим қилинган ресурсларга тўланган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) банк контрагентларига ўтказилиши ва солиқ тўлагунгача бўлган фойдага таъсир этиши илмий асосланган. Бундан ташқари, ҳаддан зиёд ортиқча қарзли молиялаштиришни чеклаш, шу билан бирга, фоизлар бўйича солиқ чегирмаларининг салбий оқибатларини камайтириш учун бир неча мамлакатларда фоиз бўйича имтиёзларни чеклаш қоидалари ёки «капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар» қўлланилишининг назарий асослари тадқиқ этилган. Шунингдек, олиб борилган тадқиқотларимизда кредитлар бўйича йўқотишларнинг ўз вақтида тан олиншига рискларнинг ўсиши эмас, балки корпоратив солиқ тизимининг таъсири муҳим аҳамият касб этиши, шу билан

бирга, корпоратив солиқ тизимида кредитлар бўйича йўқотишларнинг ўз вақтида тан олинishi банк тизимининг шаффофлигига олиб келиши асосланган.

Шунингдек, ушбу боб материалларини тайёрлашда тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш ва солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш борасидаги хорижий иқтисодчи олимларининг фикр-мулоҳазалари инобатга олинган. Тадқиқот вазибаларидан келиб чиққан ҳолда назарий хулосалар шакллантирилган. Аксарият, иқтисодчи олимлар молиявий хизматларга солиқ солиш хусусидаги илмий мунозаралар ечимида, одатда, «Optimal Taxation and Public Production: I-Production Efficiency» теоремасига асосланишади<sup>6</sup>. Мазкур теорема асосида солиқ солишда «солиқлар оралиқ транзакциялардан эмас, балки якуний истеъмолдан олинishi керак» деган тамойил ётади. Жумладан, Boadway, Кеенлар фикрларига кўра, мазкур теореманинг молиявий хизматларга қўлланишидан куйидагилар келиб чиқади: истеъмолчилар томонидан сотиб олинадиган молиявий хизматлар нисбатан паст ставкада солиққа тортилиши; корхоналар томонидан сотиб олинадиган молиявий хизматларга эса солиқ солинмаслиги лозим<sup>7</sup>.

Chamley томонидан ваколатли давлат органлари солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда, капиталга оптимал солиқ солиш назарияларидан келиб чиқиб, биринчи навбатда, капиталга бевосита таъсир қиладиган, хусусан, капитал ўсишига, дивиденд ва фоизли даромадларга солиқлардан қочишлари шартлилиги кўрсатиб ўтилган<sup>8</sup>.

Л.В. Чхутиашвили томонидан фойдани тизимли равишда дивидендлар тўлашга эмас, балки капиталини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ва хориждаги фаолиятини ривожлантиришга йўналтираётган банкларга нисбатан пасайтирилган фойда солиғи ставкаси қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган<sup>9</sup>. О.А. Мотовилова фикрича, кредит ташкилотларининг фойда солиғи ставкасини бошқа номолиявий корхоналарнинг фойда солиғи ставкаси даражасида белгиланиши ва активларнинг йўқотилиши бўйича резервлар солиқ базасига киритилиши лозим<sup>10</sup>.

Иқтисодий адабиётларда тижорат банкларининг фойдасини солиққа тортишда ҳаддан ташқари қарзли молиялаштиришнинг олдини олиш бўйича мумкин бўлган иккита ечим таклиф этилган (1-расм).

<sup>6</sup>Diamond, P.A., Mirrlees, J.A., 1971. Optimal taxation and public production. I: Production efficiency. American Economic Review 61, 8–27.

<sup>7</sup>Boadway R., Keen M., 2003. Theoretical perspectives on the taxation of capital income and financial services. In: Honohan, P. (Ed.), Taxation of Financial Intermediation: Theory and Practice for Emerging Economies. World Bank and Oxford University Press, New York. 27.

<sup>8</sup>Chamley C. 1986. Optimal taxation of capital income in general equilibrium with infinite lives. Econometrica 54, 607–622.

<sup>9</sup>Чхутиашвили Л.В. Налогообложение коммерческих банков в условиях глобализации. Международный бухгалтерский учет. 7 (139) – 2010 С. 45.

<sup>10</sup>Мотовилова О.А. Особенности налогообложения коммерческих банков. ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ. № 5 – 2011.с.46.



### **1-расм. Амалдаги солиқ тизимида қарзлар бўйича фоизларга солиқ чегирмалари қўлланилишини бекор қилиш тартиби<sup>11</sup>**

Тадқиқотимиз асосида хорижий мамлакатларнинг тажрибалари инобатга олинган ҳолда қарзли молиялаштириш ва капитални молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациясининг камайиши, тижорат банкларининг капиталлашув даражаси ошишига олиб келиши, қарз ва хусусий капитал нисбати мутаносиблиги капитал кўрсаткичларини ошириши, умумий капиталнинг ўсиши билан боғлиқлиги юзасидан хулосалар шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тижорат банклари фаолиятига солиқ солишнинг ҳолати ва молиявий солиқлардан фойдаланиш хусусиятлари**» тадқиқ қилиниши белгилаб олинган бўлиб, мазкур бобда тижорат банкларининг даромадлигига фойда ва ҚҚСларни таъсири, шу билан бирга, йўқотишлар бўйича шакллантириладиган резервлар миқдорининг фойда солиғи ставкасига боғлиқлиги эмпирик баҳоланган ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи молиявий солиқларнинг муҳим жиҳатлари ўрганилиб, тижорат банкларини солиққа тортиш механизмнинг амалдаги ҳолати таҳлил этилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқ ва мажбурий тўловларни бюджет даромадларидаги улуши ортиб борган (1-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, умумий ҳолда тижорат банклари томонидан давлат бюджетига тўланаётган солиқ ва мажбурий тўловлар ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2014 йилга нисбатан тахминан 2,3 бараварга ўсган. Жумладан, тижорат банкларидан фойда солиғи тушуми 5,2 баравар миқдорга ортган. Бунга, биринчи навбатда, 2018 йилда фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи (ОИИРС) бирлаштирилиб, фойда солиғи ставкаси кўтарилишини асосий сабаб сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.


<sup>11</sup>Refer to IFS Capital Taxes Group (1991) for commentary report and Isaac (1997) for evaluation of the viability of ACE.

## 1-жадвал

### 2014-2018 йилларда давлат бюджетига тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда унда тижорат банкларининг ўрни тўғрисида маълумот<sup>12</sup> (млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
I Жами солиқ тушумлари	31070,5	36493,3	41043,5	49684,8	79099,1
Бевосита солиқлар	7433,0	8798,4	9852,8	11539,4	15656,2
шундан: фойда солиғи	1120,2	1180,5	1215,1	1475,5	3502,2
даромад солиғи	3261,7	3800,7	4137,4	4876,4	6422,7
ОИИРС	575,7	736,2	721,9	685,5	0,0
Билвосита солиқлар	16852,3	19193,8	21130,7	26133,2	41280,4
шундан: ҚҚС	9476,1	10851,0	11891,6	14685,8	27876,5
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	4311,5	4816,1	5306,3	6867,4	12663,4
Бошқа даромадлар	3133,7	3685,0	4753,7	5141,0	9499,1
Ягона ижтимоий тўлов	7397,7	7099,2	7969,6	9202,9	12325,6
II Тижорат банклари бўйича жами	921,6	1140,2	1356,4	1888,3	2073,6
шу жумладан:					
фойда солиғи	110,5	158,2	186,7	275,2	570,4
ҚҚС	22,6	29,3	24,1	33,8	52,8
мол-мулк солиғи	44,0	37,4	54,2	64,2	54,8
ер солиғи	3,5	3,8	4,2	4,8	5,9
ОИИРС	61,2	73,1	93,3	126,6	0,0
даромад солиғи	135,0	174,2	201,1	283,7	351,8
бошқалар	306,6	373,0	448,8	630,6	396,6
ягона ижтимоий тўлов	238,2	291,2	344,1	469,3	641,4


Солиқ қонунчилигига кўра, кредит ташкилотларининг солиққа тортиладиган фойдасини аниқлашда, субстандарт, қониқарсиз, шубҳали ва умидсиз кредитлар бўйича мажбурий резервлар чегириладиган харажатлар таркибига киритилган.



2-расм. Муаммоли кредитлар ва кредитлар бўйича йўқотишларга мажбурий резервлар<sup>13</sup>

<sup>12</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилган.

Маълумотлардан кўришиб турибдики, муаммоли кредитлар («қоникарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз») билан кредитлар бўйича йўқотишларга шакллантирилган мажбурий резервлар ўртасидаги фарқ миқдори юқори даражани ташкил этган (2-расм). Бу шуни англатадики, банклар томонидан мажбурий резервлар ҳисобига харажатларни ошириб, солиқ солинадиган фойдани камайтиришлари мумкин.



**3-расм. Таваккалчилик операциялари бўйича мажбурий резервлар ва ҳисобдан чиқарилган умидсиз активларнинг жами активлардаги улуши<sup>14</sup>**

Ўрганилган банкларнинг таваккалчилик операциялари бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун шакллантирилган мажбурий резервларнинг ўртача суммаси ҳисобдан чиқарилган активларнинг ўртача суммасига нисбатан 4,6 бараварга ошиб кетган (3-расм).

Солиқ солиш мақсадида, йўқотишлар бўйича резервларга умумий чегирмалар қўлланилганда, кредитлар бўйича йўқотишларга мажбурий резервларнинг фойда солиғи ставкаси билан ижобий боғлиқлиги тўғрисидаги асосий гипотезани текшириб кўриш учун Bushman ва Williamsлар томонидан таклиф қилинган кредит бўйича йўқотишларга резервлар модел вариантыга асосланиб, OLS усулидан фойдаланган ҳолда қуйидаги регрессия баҳоланган:

$$LLP_{it} = \beta_0 + \beta_1 TAX RATE_{c,t} + \varepsilon_{i,t} \quad (1)$$

Таҳлилда «Қишлоқ қурилиш» банкининг 42 та филиал кесимида (i) 2016-2018 йиллар (t) давридаги кредитлар бўйича йўқотишларга мажбурий резервлар суммаси (LLP) (Y) боғлиқ ўзгарувчи ва банкнинг умумий даромадига нисбатан кредитлар бўйича даромад улушидан келиб чиқиб, аниқланган ўртача фойда солиғи ставкаси (TAX RATE) (X) эркин ўзгарувчи

<sup>13</sup> Аналитический обзор банковский сектор Узбекистан 2012–2018 гг. Рейтинговое Агентство "Ahbor-Reyting. маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

<sup>14</sup> АТБ Агробанк ва «Қишлоқ қурилиш» банкларининг 2013-2018 йиллардаги маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

сифатида олинган. Панел маълумотлари асосида ўтказилган таҳлил натижасига кўра, кредитлар бўйича йўқотишлар учун мажбурий резервларга фойда солиғи ставкаси таъсирининг статистик аҳамияти юқорилиги аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари		
	Lnllp Random effects	Lnllp Fixed effects
Lntax rate	3.873 (0.574)**	3.932 (0.582)**
_cons	-5.337 (1.546)**	-5.476 (1.557)**
N	109	109
R <sup>2</sup>	0.41	0.41

Standard errors in parentheses  
\*p<0.05; \*\*p<0.01

Олинган таҳлил натижасига асосан ўртача ҳисобда солиқ ставкасининг 1 фоизга оширилиши йўқотишлар бўйича резервлар миқдорининг 3,9 фоизга (резервлар миқдори ўсиши тахминан 9,4 млн. сўмни ташкил этади) ўсишига олиб келиши мумкин. Бу шуни англатадики, солиққа тортиш мақсадида, умумий резервлар чегириб ташланганда, кредитлар бўйича йўқотишларга мажбурий резервлар миқдори фойда солиғи ставкаси билан ижобий боғлиқлиги тўғрисидаги асосий гипотезалар тасдиқланган.


Тадқиқот ишимизда банклар даромадлилигига солиқларнинг таъсирини эмпирик таҳлил асосида баҳолашда, Агробанк ва «Қишлоқ қурилиш» банкларининг 2013-2018 йиллардаги 14 та ҳудуд бўйича 220 та филиалларининг молиявий ҳисоботларидан олинган солиқ тўлагунгача бўлган фойда, ҳисобланган фойда солиғи, кирим қилинган товар хизматлар учун тўланган ҚҚС ва жами активлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилган. Таҳлилни амалга ошириш қуйидаги моделда баҳоланган<sup>15</sup>:

$$\begin{aligned}
 PROF_{i,t} = & \gamma PROF_{i,t-1} + \beta_1 CIT_{i,t} + \beta_1 VATP_{i,t} + \alpha X_{i,t} + \lambda_t \\
 & + \sum_{j=1}^{14} Regions + v_{i,t} \\
 \times v_{i,t} = & \mu_i + \varepsilon_{i,t} \quad j=1 \dots N; t=2013 \dots 2018 \quad (2)
 \end{aligned}$$

Бу ерда,  $PROF_{i,t}$ -i банкнинг t йилга, активлар ва солиқ тўлагунгача бўлган фойда ўртасидаги нисбати<sup>16</sup>;  $CIT_{i,t}$  - ҳисобланган фойда солиғи,  $VATP_{i,t}$  - кирим қилинган ресурслар бўйича тўланган ҚҚС;  $X_{i,t}$  - назорат қилинувчи ўзгарувчилар вектори (активлар суммаси ва банк филиаллари сони);  $\lambda_t$ -вақтнинг таъсири, Regions - сифат ўзгарувчилар 1 га тенг, агарда банк j ҳудудларда ўзининг доимий филиалларига эга бўлса (аксарият ҳолатларда 0га тенг);  $\mu_i$  - банк даражасида ҳисобга олинмаган таъсирлар;  $\varepsilon_{i,t}$  - хатолик.


<sup>15</sup>Chiorazzo, C. Milani / Journal of Banking & Finance 35 (2011) 3202–3212.

<sup>16</sup>Банкнинг барча ўзгарувчилари фаолияти масштаби, яъни уларнинг жами активларига нисбати олинган.



**4-расм. Банк даромадлиги билан фойда солиғи ўртасидаги боғлиқлик<sup>17</sup>**

Тижорат банкларининг даромадлиги билан фойда солиғи ўртасидаги ижобий боғланиш мавжуд бўлиб, тижорат банклари бўйича ҳисобланадиган фойда солиғи ва уларнинг даромадлиги ўсиш тенденциясига эга (4-расм). Бундан кўриниб турибдики, тижорат банклари тўлайдиган фойда солиғи ставкаси кўтарилиши банк кредитлари бўйича фоиз ставкалари ўсишига олиб келади.



**5-расм. Банк даромадлиги билан ҚҚС ўртасидаги боғлиқлик<sup>18</sup>**

<sup>17</sup>Таҳлил маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

<sup>18</sup>Таҳлил маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

Тижорат банкларининг даромадлиги билан кирим қилинган ресурслар бўйича тўланган ҚҚС ўртасидаги салбий боғланиш мавжуд бўлсада, бу статистик аҳамиятга эга эмас (5-расм). Бироқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб, ҚҚСнинг кенг доирада жорий қилиниши натижасида, даромадлилик билан банклар томонидан кирим қилинган ресурслар бўйича тўланган ҚҚС ўртасидаги ижобий боғлиқлик статистик аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Таҳлил давомида банкларнинг даромадлиги билан фойда солиғи ўртасида ижобий боғланиш мавжудлиги ва статистик аҳамияти юқорилилиги аниқланди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Регрессион таҳлил натижалари

Ўзгарувчилар	Икки босқичли GMM
L.YPROFI	-0.0925** (0.0404)
CIT	4.836*** (0.844)
VAT	-1.596 (1.122)
Qlnassets	-5.60e-05 (0.000135)
Constant	0.0137 (0.0699)
Давр таъсири	бор
Худуд таъсири	бор
Кузатувлар сони	1,097
Филиаллар сони	220
Hansenp test	0.00112

Standard errors in parentheses

\*\*\* p<0.01, \*\* p<0.05, \* p<0.1

Ўтказилган таҳлилда капиталдан олинган даромадга оптимал солиқ солиш бўйича олиб борилган эмпирик тадқиқотлар натижасида аниқланган корпоратив даромад солиғи ва кирим қилинган ресурсларга тўланган ҚҚС банк контрагентларига ўтказилиши ва солиқ тўлагунгача бўлган фойдага таъсир этиши тасдиқланди. Бу шуни англатадики, банклар тўлайдиган фойда солиғи банк хизматлари ва маҳсулотларини истеъмол қилувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг (кредитлар бўйича фоизлар ва бошқа хизматлардаги даромадлари таркибида) харажатларини янада ошириб, уларнинг фойдаси пасайишига олиб келади.

Бунинг салбий оқибатлари соддалаштирилган солиқ тизимидаги бизнес субъектлари фаолиятида янада давомий таъсирга эга бўлади. Чунки, умумий тартибда солиқ тўловчи бизнес субъектлари банк маҳсулотлари бўйича фоизли тўловларни фойда солиғи базасини аниқлашда чегириладиган харажатлар сифатида чегириб ташлаш имкониятига эга, кичик бизнес субъектларида эса аксинча. Аксарият ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимида кичик бизнесни солиққа тортишда умумий ёндашув бўлганлиги сабабли, барча солиқ тўловчилар учун солиқ базаси бир хилда аниқланиб, кичик бизнес субъектларига нисбатан асосан фойда солиғи бўйича бевосита

ва билвосита солиқ имтиёзлари қўлланилади<sup>19</sup>. Бу эса кичик бизнес субъектларини умумий ёндашув асосида пасайтирилган фойда солиғи ва ҚҚСни қўллаш амалиётини жорий қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

